



ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ



ОЛИЙ БАХТ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

2006 йил 12 август,
шанба № 132 (2181)

ISHONCH

✓ Ахборот

«Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталари янги таркибдаги таҳрир ҳайъатининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Уни ЎзКУФК раисининг биринчи ўринбосари М. Содиков кириш сўзи билан очди.

Бош муҳаррир А. Абдураззоқовнинг қилинган ишлар ва келгусидаги вазифалар тўғрисидаги ахбороти тингланди.

Мамлакатимизда кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш йўлида кат-



✓ Мустақилликнинг 15 йиллиги олдида

Истиқлол имконлари

ХУШХАБАР

Сумбуланинг сокин кунда сўлим қишлоқ хонадонларининг биридаги сўрида урчуқ йиғириб ўтирган онахонга набираси — 17 ёшли йигит хушхабар келтирди:

— Она, Ўзбекистон мустақил бўлди. Энди ўзимиз алоҳида давлат бўламиз.

Онахон «алоҳида» сўзидан эсанкираб, гўё ўзи ва бутун оиласини қишлоқдан четда, қайдадир узокдаги маконда ҳис қилди. Беихтиёр кўз олдида олис шимолда, ҳарбий хизматдаги набираси намён бўлди.

— Мустақил деганинг нимаси?

— Эҳ, онахон, тушунмадингизми, мустақиллик бу энди дунёда Ўзбекистон деган давлат бўлади, еримиз, пахтамиз, ҳамма-ҳамма нарсамиз ўзимизники бўлади, дегани.

Шундан сўнг кампир ўзини безовта қилган саволни хавотир билан сўради:

— Аканг нима бўлади, солдат аканг?

— Ҳа-я, энг муҳимини айтмабман-ку, мустақил давлат бўлганимиздан кейин ҳарбий хизмат ҳам ўз юртимизда бўлади-да, она. Менимча, акам ҳадемай уйга қайтади.

Онахон мустақиллик маъносини набирасининг ана шу сўзларидан сўнг англади ва дарвозага интиқ нигоҳ ташлади-да, аскар либосидаги набирасини кўргандек юзларига севинч аломатлари югуриб, «Худога шукр, шу кунларга етказганимга шукр», деб кўйди.

Дарвоқе, ўша тарихий 1991 йилнинг 1 сентябрида мустақиллик сўзи ёшу қарига ана шундай унутилмас лаҳзаларни тортиқ этганди. Аммо ҳали Истиқлол остонасидан нарида бундан-да хушнуд дамлар сероб эди.

Йиллар ўтиб, истиқлол ниҳоли бўй чўзиб ўзининг беназир меваларини бера бошлади. Келинг, ўша ўн беш йиллик навқирон дархт ноз-неъматларидан бирга баҳра олайлик.

НОН

Истиқлол эълон қилингандан сўнг юқорида келтирганимиз, онахон каби кўпчиликнинг хаёлига яна нима келган, биласизми? Албатта, нон-да дейишингиз тайин. Дарвоқе, нон Ўзбекистон дастурхонининг шоҳ неъмат, халқимизнинг сув ва ҳаводек зарур ризқи. Шу боис, аксарият одамлар ўша вақтда экин майдонларининг деярли ҳаммасини пахта банд этганлигидан хулоса чиқариб, галла масаласи қандоқ бўлар экан, деган савол билан яшаганликлари сир эмас. Барча соҳаларга умидли нурларини сочган мустақиллик кўп ўтмай ўз номимизни ҳам берди. Бу борадаги доно сиёсат туфайли галла мустақиллигига эришдик. Ўтиш даврида дастурхонимиздан нон узилмади.

Бундан 15-20 йил аввал хорижга чиққан кишилар асосан нималардан ҳайратланиб келишарди. Эслайсизми? Уларнинг аксарияти осмонўпар бинолар, жаннатий гўшалар, биз билмаган қулайликлардан кўра, кўпроқ бозор ва дўконлардаги серобликни, айниқса, озиқ-овқат маҳсулотларининг мўллиги, хилма-хиллигини ва албатта бу неъматларни бемалол, ҳеч қандай навбатларсиз, хоҳлаганча олиш мумкинлиги хусусида гапиришарди. Бугун бу таассуротларнинг биз учун ҳеч қандай қиммати ҳам, қизиги ҳам қолмади. Чунки, мамлакатимизда аллақачон ўша даражадаги, баъзи жиҳатларда ундан ҳам ошадиган истеъмол бозори яратилди. Оддий супермаркетга киради, бир вақтлар анқонинг уруги бўлган маҳсулотларни тур-тури билан танлаш имкониятининг бор. Боз устига бу озиқ-овқатларнинг аксарияти ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда. Энди қишки кийимни ёзда, ёзги кийимни қишда олиб кўйишга ҳам ҳожат йўқ. Имкониятинингизга яраша хоҳлаган вақтда ўзингизга мос уст-бош харид қила оласиз.

Тўрт фасли ҳам мукамал Ўзбекистон замини эса бозорни йил бўйи сархил мева-чева, сабзавот билан таъминламоқда. Бебаҳо еримизда миллий бойлигимиз, халқимизнинг ардоқли экини — пахта ҳам, ризқ-рўзимиз галла ҳам мўл ҳосил бермоқда. Ватан тупроғи бугун Ўзбекистон қозонини бекаму кўст қайнатадиган, устимизни бут қиладиган саховатини кўрсатмоқда. Бу истиқлол йилларида қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган туб ислохотларнинг самараси, деҳқон халқимизнинг ерга бўлган меҳр-муҳаббатининг натижасидир.

(Давоми 2-бетда).

Таҳрир ҳайъати йиғилиши

та ишлар қилинмоқда. Бунда энг оммавий жамоат ташкилоти ҳисобланмиш касаба уюшмаларининг ўрни бекиёс. Касаба дегани касб сўзидан олинган. Биз юксак раванқ топишимиз учун малакали касб эгалари, мутахассислар жамиятини яратишимиз

керак. Иқтисод фалсафаси, касб фалсафаси шуни тақозо этади.

Йиғилишда мазкур газеталарнинг жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муносиб ўрин эгаллаши, юртимизда содир бўлаётган иқтисодий, ижтимоий ва маъна-

вий жараёнларни холисона акс эттириш, адолат ва тўғрилиқ муҳити ҳукмрон бўлиши учун таҳририятда меҳнат интизомини таъминлаш, жамоани ёш, иқтидорли журналистлар ҳисобидан мустақамлаб бориш зарурлиги таъкидланди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси П. Қодиров, Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши раиси Н. Акбаров, Ўзбекистон энгил, меҳнат саноати ва коммунал маиший хизмат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси М. Одилова ва бошқалар жамоатчилик фикрини шакллантириш, миллий истиқлол мафқурасини халқимиз онгига теранроқ сингдиришда ушбу наشرлар аҳамиятини ошириш хусусида ўз таклиф-мулоҳазаларини билдирдилар.

Д. МАДИЕВ



Саҳифаларда:

Шабнам бағридаги келажак **4**

Қотил «келин» **9**

«Ватан шаъни учун курашар полвон» **10**

Икки дунё савоби **12**

ТОМОРҚА

Ёдингизда бўлса, мустақиллик остонасида Юртбошимиз Ислон Каримовнинг қарори билан мамлакатимиз аҳолиси учун уй-жой участкалари ажратила бошланди. Бу катта қадам, халқнинг ўша пайтдаги турмуш шароитини яхшилаш учун яратилган қулай шароит эди. Қишлоқ жойларда берилган 0,20 гектарлик уй-жой участкалари аксарият оилаларга ўтиш даврида қўшимча даромад ва хонадон қазноғини озиқ-овқат билан тўлдириш манбаи бўлиб хизмат қилди.

Ер участкаси олган оила дарҳол томорқа четларига терак қаламчалари ўтказди. Кимдир боғ қилди, яна биров сабзавот экти. Кўп ўтмай тераклар бўй чўзиб иморатбоп бўлди. Томорқа бошида шинамгина уй-жой қад ростлади. Бозор ҳам тўлиб қолди. Миришкор деҳқонлар сават-сават узум, сархил мева келтириб нархларни туширишди. Маккажўхори, беда эккан деҳқон чорвасини семиртириб, гўшт ва сут маҳсулотларини сероб қилди. Томорқадан бир йилда икки эмас, ҳатто уч марта ҳосил етиштириш ҳадисини олган соҳиблар пайдо бўлди.

Аҳолини ер участкалари билан таъминлаш тўғрисида ўткир ижтимоий масалалар ҳал қилинди. Кўп фарзандли оилалар олдида кўндаланг турган уй-жой масаласи ечимини топди. Натижада мамлакатимизда бир-бирдан обод, сўлим қишлоқлар, маҳаллалар вужудга келди. Муҳими, янги гўшалар замонавий, пишиқ-пухта ўйланган лойиҳалар асосида қурилди. Бурунги бири тоғда, бири боғда қурилган уйлардан фарқли ўлароқ, кенг кўчалар четида саф тортган иморатлар барпо этилди. Ва бу ҳол қишлоқ қиёфасигагина эмас, унинг инфратузилмасини шакллантириш ҳам ижобий таъсир ўтказди. Бугунги аксарият қишлоқлар тоза ичимлик суви, табиий газ, алоқа воситаси билан таъминланган, савдо ва маънавий хизмат ҳамда кичик саноат корхоналарига эга.

Ўтган ўн беш йил мобайнида аҳолини уй-жой ва томорқа билан таъминлашга асосий масалалардан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилди. Одамлар эмин-эркин ўзлари орзу қилган уй-жой, боғ-роғларга эгаллик қилишмоқда, хур Ватан ичра мўъжаз ватанларнинг соҳиб бўлишмоқда. Дарвоқе, Ватан ўз уйинг, ўз маҳаллангдан бошланади, деган калом бугун томорқаси бошида кетмон ушлаган деҳқон қиёфасида ёрқин акс этиб тургандек.

ТАЪЛИМ

Эркин ака Аҳроров кўп йиллар газетчилик нонини еган одам. Ўта одамоҳун Эркин аканинг асли касби расом. Кўп қаватли уйда яшайди. Тўқсонинчи йилларда ана шу акамизни қувончдан тўлиб-тошган чеҳрада учратдим. Тахририят хоналарини бир-бир очиб, фақат бир гапни такрорларди:

— Э, оғайнилар, ҳақиқат бор экан, ўғлим талаба бўлди. Буни

газетга ёзиш керак.

Аввалига отахонимизнинг бу гапи кўпчиликка оддий ҳолдек туюлганди. Чунки Эркин акани танимайдиган одам йўқ, шу жумладан университетда ҳам. Танишларини ишга солгандир, илтимос қилгандир, деган гап-

рига барҳам берди. Ўрта ва олий таълим тизимида туб ислохотлар бўй кўрсатди, ўқув-тарбия дастурлари такомиллашди ва бу соҳадаги шарт-шароитлар замонавийлашди. ...Эркин акамизнинг ўғли бугун малакали мутахассис. Оқсо-

оилаларини обод қилишга одатланишган. Катта оиланинг камчилиги ҳам кўп бўлади, шу боисдан аввалига Анора опа ўғил-қизларининг «Ҳажга бориб келинг, ойи» деган даъватларига унамади. «Тўхтанглар, ҳали битмаган ишлар бор», деб туриб

шиб қолдим. Тўй бошлаган экан, ёнига ошпаз ва ўғилларини олиб сархил ноз-неъматлардан харид қилиб юрган бу киши «Фермерман, энг кенжа ўғлимни уйлантираяпман, саккиз набирамни суннатга ётқизаман», дейди. Отахоннинг хариди анчайин тўкин тўй бўлишидан дарак берарди.

— Шунча харажат ўрнига биронта чет эл сафарига ёки ҳажга борсангиз маъқул эмасми? — сўрайман ундан.

— Энди ўғлим, мен битта тўй қилаётганим йўқ-ку, бу ёғини сўрасанг набираларимнинг суннати-чи? Яна бошқа хайрли ният ҳам бор. Қолаверса, топган-тутганимизнинг бир қисми халқники деганмиз. Бозор-ўчарни ўзим қилаётганимнинг ҳам маънисини бор. Дастурхонга кўз-кўз учун эмас, одамлар есин, савоби тегсин деган маънода ноз-неъматни ўзим танлаяпман.

Отахонни бошқа учратмадим. Аммо ногаҳон қишлоқларимиздан бирида ўтган тўй тафсилотини эшитдим куз олдида ўша қария намоян бўлди. Айтишларича, бир фермер чол тўй қилибди. Егулик шунчалик сероб бўлибдики, ҳатто синдирилаётган нон ичидан ҳам гўшт чиқибди. Лекин исрофгарчилик

бўлмабди, барча ноз-неъмат ва таомлар расамадида, таклиф қилинган меҳмонлар сонига яраша тортилибди. Лекин энг муҳими бу эмас. Гап шундаки, фермер отахон шу куни қишлоғидаги кам таъминланган оилалардаги болалардан бир нечасини суннат қилдирди. Уларнинг тўй расм-русумларини бекаму кўст ўз ҳисобидан адо этибди. Демак, бу тўй кўпчиликнинг, бутун қишлоқнинг тўйига айланибди. Шунда беихтиёр ўша фермер отахоннинг «Яна бошқа хайрли ниятлар ҳам бор», деган гапини эсладим. Эсладим-у, ўшанда отахоннинг исмини сўраб-билмаганимдан афсусландим. Нима бўлганда ҳам тафсилотдан тўй ибтидосида отахон даврага чиқиб, «Энди ҳаж зиёратига борсам бўлади» деб меҳмонларга ниятини айтганини билиб, бу ўша мен учратган фермер деган фикрда қолишга жазм этдим. Яна унинг сўзларини хотирладим. Ва отахоннинг ушбу гапларини Мустақилликнинг оддий одамлар тақдиридаги жиҳатлари хусусидаги мазкур мулоҳазаларга муносиб хулоса деб танладим:

— Сенга айтсам, тўй дегани бу тинчлик дегани, байбарак дегани. Тўйи кўп юртнинг эли тинч, турмуши фаровон дегани. Тўй бу, осойишталигимиз белгиси, Ватанимиз тинч, осмонимиз мусалфоз экан, тўйларимиз тўхтамайди, кўчамиздан байрам аримайди. Илоҳо, тўйларимиз кўп бўлсин, тинчлигимиз, мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,
«Сирдарё ҳақиқати»
газетаси бўлим мудир



Истиқлол

Имжонлари

лар ҳам ўтди қайсидир кўнгиладан. Аммо Эркин аканинг ўғли талаба бўлганлиги хусусидаги хушxabар моҳияти бутунлай янги эди. Азамат ўғил ҳеч қандай таниш-билишларсиз, илтимосларсиз ўз билими, салоҳияти билан университет талабаси бўлганди. Ҳақиқатдан ҳам бу ҳол фавқуллодда янгилик эди. Ва бу имкониятни мамлакатимизда олий ўқув юртларига ўқишга киришнинг янги тартиби — тест синови берганди. Тез орада бу адолатли усул энатрофимиздаги кўпчилик ота-оналар ва уларнинг фарзандларини ҳам қувонтирди. Узоққа бормаёлик, оддийгина ҳаёт кечирадиган Бозорбой Бекмуродов, Муҳаммад Али Аҳмад, Жумабой Қосимов каби ҳамкасбларимизга ҳам Эркин акадек хурсанд бўлган кунлар келди. Яна бир ҳамкасбимиз Турғун Норқуловнинг кенжатоғи Тошкент тиббиёт академияси талабаси бўлганда, отахонимиз Холида Пардабоевнинг орзу-нияти, таянчи, ёлғиз ўғли — Умининг аввал Ҳиндистонда, эндиликда Канадада ўқиётганидан соғинч ва фахр туйғуси билан яшаётганини кўрганимизда мустақиллик шарофатини ҳис этамиз.

Мамлакатимизда таълимга мустақиллигимизнинг муҳим таянчи, буюк келажақ омили сифатида қаралганига Истиқлолнинг илк йилларидан гувоҳимиз. Бу узоқни кўзланган сиёсат аллақачон ўз самарасини бераёттир. Тест синови билимдон, салоҳиятли, иқтидорли кадрлар тайёрлаш заминини яратди, боз устига ёш авлодни илмга қизиқшини орттирди, одамлар онгида ўрнашиб қолган олий маълумот олиш хусусидаги ёски тузумнинг енгил-елпи қарашла-

қол кўни-кўшними, бегонами, ким бўлишидан қатъий назар, фарзандлар хусусида гаплашиб қолса, ушбу маслаҳатини қанда қилмайди:

— Бодангизни ўқитинг, таълим олишига шароит яратиб беринг. Қизиқишига қараб лицейга беринг, билимдон устозларга шогирд қилинг. Билими зўр бўлса, келажақда хоҳлаган ўқув юртига кириб ўқийди.

ҲОЖНААР

Иш жараёнида маҳалла ҳаёти ҳақидаги мақолани таҳрир қилар эканман, кўлёмзадаги бир жиҳат диққатимни тортди. Мақолада келтирилган исм-шарифларнинг деярли ярмида «хожи» кўшимчаси бор эди. Мўъжазгина Оқчангал қишлоғидан шунча киши муқаддас ҳаж зиёратини адо этибдими, унда Ўзбекистон бўйича қанчайикин?

Аваллари фалончи ҳажга борибди деган гапни эшитмасдик. Аммо отасини жанозасиз кўмдирган коммунист ҳақида билардик ва бу ўша вақтдаги мафкура учун жонли ибрат эди. Бугун қалбан ҳис этган киши англайдими, мустақиллик фақат иқтисодий-сиёсий тобеликдан қутулиш эмас, балки виждон-этиқод эркинлиги ва ҳурлиги ҳамдир. Бу ҳурлик насимлари Истиқлолнинг илк йилларида ноқ эса бошлади. Мустақилликдан олдин ўзга сайёрага боришдек мушкул муаммо бўлган ҳаж зиёрати давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланди. Мўмин-мусулмонларнинг Маккаю Мадина сафари ҳар йили амалга оширилдиган бўлди.

...Анора опа бу йил ҳаж ибодатини адо этдилар. Опахон оддий оила бекаси. Ўғиллари, қизлари ҳалол меҳнати билан ўз

олди. Аслида эса фарзандларнинг аксарияти уйли-жойли, мол-ҳолли, ўзларига тўқ оилаларига эга эдилар. Онажонлари эса болалари ризқини қияётгандек, фарзандлар таклифига рад жавоб бераверди. Ўғил-қизлар йиғилишиб бир қарорга келишди. Бу маслаҳат амалга ошган куни биргалашиб ойижонлари хузурига киришди.

— Ойижон, бизни койиманг! Сиз рози бўлмасангиз-да, биз бир иш қилиб кўйдик. Сизни ҳажга жўнатадиган бўлдик. Мана хужжатлар, энди фақат тиббий кўрикдан ўтсангиз бас.

Анора опа фарзандларининг бу қадар меҳру муҳаббатларига дош беролмади. Кўзларида ҳалқа-ҳалқа ёш қалқди. Фарзандлари камолга етганини энди ҳис қилаётгандек бўлди ва қўлини дуога очди:

— Илоҳо умрларинг узоқ бўлсин! Сиздай жигарбандларим шундай ният қилибсизларми, ҳажга бораман. Отангиз кўрмаган рутбага етказгани учун Аллоҳга шукур.

Анора опа муборак ҳаж сафаридан қайтгач, унинг хузурига ошиқдик. Ҳожи она таассуротлари асосида ушбу гапларни бот-бот такрорладилар:

— Давлатимизга, Президентимизга раҳмат! Сафар шарт-шароитлари шундай қулайки, таърифлашга сўз ожиз. Бундай қулайлик ва ғамхўрликдан, мустақил юрт фуқароси эканлигиндан қалбинг қувончга тўлиб тошади. Ўзбекистонимизнинг ҳеч бир давлатдан кам эмаслигидан фахрланасан, гурурланасан. Шундай кунларга етказганига шукур.

ТҮЙ

Июн ойи эди. Бозор-ўчар қилаётган отахон билан учра-

Хатлар Ҳаёт ойнаси

Газета ва газетхон

Танлов

ҒОЛИБЛАРДАН 5 НАФАРИГА «ТИКО», «ДАМАС» БЕРИЛДИ

“Кизилқумцемент” очик акционерлик жамиятининг сифатли махсулотлари 2000 йили Испанияда “Олтин юлдуз” нишонига сазовор бўлган эди. Бир йил ўтгач эса Пекинда “Олтин кубок” соҳибига айланди. Лондондаги “Глобал Кволити менежмент” компанияси қарори билан махсус соврин, шунингдек, ўтган йил корхонага халқаро стандарт бўйича сифат менежменти тизимининг жорий қилинганлигини тасдиқловчи сертификатнинг берилиши бу ерда яхши ишлар қилинаётганлигини кўрсатмоқда.

Ана шу ишларнинг барчаси, аввало, меҳнат аҳли саъй-ҳаракати туфайлидир. Корхонада жамоа шартномаси бандлари бўйича ишчиларнинг моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-

қувватланаётгани режадаги юмушларнинг муддатида урдаланишига омил бўлмоқда.

Махсулот ишлаб чиқариш сифати ва унумдорлигига эришиш учун соғ-

лом рақобат яратилган. Мисол учун беш йилдан буён цех ва бўлимлар ўртасида ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, маданият, тозалик, ободонлаштириш, тартиб-интизом сингари бир қатор шартлар бўйича танловлар ўтказиб келинмоқда. Мустақиллик байрамининг 15 йиллиги олдидан ўтган йил якунига кўра танлов ғолибларидан беш нафарига “Тико” ва “Дамас” энгил автомашиналари берилди.

Сайёра СОЛАЕВА,
Навоий вилояти

Фаолият

ШВЕЙЦАРИЯ ЛОЙИХАСИ

асосида қурилган сихатгоҳ

“Ўзбекистон темир йўллари” касаба уюшмаси ташкилотининг “Назарбек” санаторий-профилакторийси тўғрисида анчадан бери илиқ гаплар эшитиб юрардим. Назарбек қишлоғида жойлашган ушбу даргоҳга борганимда, хато қилмаганлигимни англадим. Дикқатимни саранжом-саристалик, озодлик ўзига тортди. Дарвозадан сихатгоҳ биносигача меҳр билан парваришланаётган турфа хил гулларни, манзарали дарахтларни кўрган кишининг баҳри дили очилади. Швейцария лойиҳаси бўйича қурилган мазкур санаторий дам олиб, даволанувчиларга завқ бағишлайди.

— Сихатгоҳимиз ҳудудидан отилиб чиқаётган маъданли иссиқ сув шифобахш хусусияти, минерал тузларга бойлиги билан ажралиб туради, — дейди физиотерапия бўлими мудири Умида Алимхўжаева.

Табий даво турларидан яна бири шифобахш балчиқ муолажасидир. Жиззах вилоятининг Балиқли кўлидан келтирилган балчиқ минерал тузлар ҳамда микроэлементларга бой бўлиб, суяк-бўгин, ошқозон-ичак, буйрак ва сийдик йўли, асаб тизими, инсон танасидаги турли шамоллаш касалликларини даволашда самараси яхши бўлаяпти. Шунингдек, бўлимда электр-муолажаларнинг паст тўлқинли ток, импульсли токлар, нур, юқори тўлқинли токлар, ультратовуш ёрдамида, магнит майдони билан даволаш сингари 15 хилга яқин муолажа турлари ҳам мавжуд. Келажакда умуртқа поғонаси касалликларида кенг қўлланилувчи “умуртқа поғонасини чўзиш” ускунасини ишга тушириш ва вакуумли уқалаш муолажаларини йулга қўйиш мўлжалланган. Бу юмушни Наргиза Каллибаева, Гулчехра Парпиева, Феруза Баратова, Фотима Машарипова, Насиба Усмонова, Озода Рустамбекова сингари ҳамширалар маромига етказишмоқда.

Санаторий ишини намунали ташкиллаштириб келаётган бош шифокор Шавкат Эшонхўжаев унинг истиқболи тўғрисида бизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Сихатгоҳимиз 1999 йилдан фаолият юрита бошлаган. Бу ерда дам олувчиларнинг мароқли ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар мавжуд. Келажакда сув муолажаларига алоҳида корпус қуриш ниятимиз бор. Ошхона, фитобар, киноконцерт зали, соғломлаштириш мажмуаси имкониятларини янада кенгайтириб, дам олувчилар учун ҳозиргидан ҳам кўпроқ қулайликлар яратмоқчимиз.

Равшан ИСОКОВ,

“Ўзбекистон темир йўллари” ДАТК
“Ўзтемирйўлмаштаъмир” унитар корхонасига
қарашли “Куюв-механика заводи” шўъба
корхонаси ходими

Донолар демишки...

*Бахтга эришиш
мақсадида бирлашган
кишилар жамоаси
фазилатли жамоа-
дир.*

*Бахтга эришиш
мақсадида ўзаро
ёрдам берган халқ
фазилатли халқдир.*

*Шу тартибда
барча халқлар бахтга
эришиш учун бир-
бирларига ёрдам
берсалар, бутун ер
юзи фазилатли
бўлади.*

Абу Наср ФОРОБИЙ

Жавоб

«ЭРКАК ЎҚИТУВЧИ»ЛАР КЎПАЯДИ

«Ишонч» 2006 йил, 24 июн

«Ishonch» газетасида чоп этилган «Эркак ўқитувчи» сарлавҳали танқидий мақолада баён қилинган муаммолар ҳақида қуйидагиларни маълум қиламиз.

2005-2006 ўқув йилида республиканинг умумий ўрта таълим мактабларида 451 минг 567 нафар ўқитувчилар фаолият кўрсатиб, улардан 67 фоизини аёллар ташкил этди. Мақола муаллифининг ўқитувчилар таркибида олий маълумотли, ўз касбининг фидойиси бўлган эркаклар сони кўпайиши мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги фикри ўринли.

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси ҳамда вазирлик тасарруфидаги 5 та педагогика институтларининг ёшлар билан ҳамкорликда олиб бораётган касбга йўналтириш ишлари анча яхши натижаларни бермоқда. Жумладан, 2004 йилда юқоридаги ўқув даргоҳларига қабул қилинган ёшларнинг 32,3 фоизи йигитлар бўлса, 2005 йилда 40,2 фоизни ташкил этди.

Айни чоғда мақола муаллифининг олий ўқув юртларини тугатган ёш мутахассисларни йўлланма асосида таълим муассасаларига юбориш ҳақидаги таклифи қўлланилаётир. Масалан, 2005 йил 8 июлдаги Иқтисодиёт, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликларининг 58, 154-1, 19, 02/2658-сонли қўшма қарорлари билан «Кадрларни давлат грантлари асосида мақсадли тайёрлаш тартиби тўғрисида» Низом ишлаб чиқилган ва тасдиқланган. 2006-2007 ўқув йилига ёш мутахассислар тақсимооти ана шу Низом асосида ўтказилди.

Ушбу ҳужжатда педагогик йўналишдаги олий ўқув юртларини грант асосида (ўз хоҳишларига кўра тўлов-шартнома бўйича) тугатган ёш мутахассислар йўлланма билан юборилган мактабларда 3 йил ишлаб беришлари кўзда тутилган.

Бундан ташқари, Халқ таълими вазирлиги томонидан ёш мутахассисларни маҳаллий ҳокимиятлар билан ҳамкорликда қўллаб-қувватлаш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш чораларини кўриш бўйича ҳудудий таълим бошқарув органларига топшириқлар берилди.

Р. АҲЛИДИНОВ,

Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари

«БИРОВНИНГ УЙИ БОҒЧА БЎЛАРМИДИ»

«Ишонч» 2006 йил, 3 июн

«Ishonch» газетасининг шу йил 94-95 сонларида “Таҳририятга хат” рукни остида чоп этилган “Бировнинг уйи боғча бўлармиди” сарлавҳали танқидий мақола Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси мутасаддилари томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди ва Деҳқонобод тумани халқ таълими бўлимининг июл ойи кенгашида кенг муҳокама қилинди.

Ҳозирги кунда мақолада номи қайд этилган кичкинтойлар масканидаги барча камчиликлар бартараф қилиниб, таълим-тарбия самарадорлигини янада ошириш, фарзандларни замон руҳига мос равишда тарбиялаш бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Шунингдек, боғчага 576 минг сўмлик қаттиқ, 195 минг сўмлик юмшоқ мебеллар олиб берилди ҳамда бу борадаги ишларга ҳомийлар жалб этилди. Муассасанинг янги биносини қуриш ва фойдаланишга топшириш масаласи туман ҳокимлиги билан келишилган ҳолда 2009 йилга мўлжалланди, лойиҳа-сметалар бўйича мутахассислар шугулланишмоқда.

Кичкинтойлар тарбия топаётган масканларда мақолада таъкидланган камчиликлар қайта такрорланмаслиги учун барча туман халқ таълими бўлимларига топшириқлар берилди.

Б. АБДУЛЛАЕВ,

Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи


Миннатдорчилик

Қўлингиз дард кўрмасин!

Нохуш хабар тез тарқаларкан. Омонгул момо Сирдарёга, неварасининг бешик тўйига бораётганида тўсатдан автобус туртиб кетди. Гулистон шаҳар марказий шифохонасига уни олиб келишганида аҳволи оғир, боши қаттиқ лат еган, қўл-оёқ ва елка суяклари синиб кетган экан. Қўли энгил шифокорлардан Ниёзбек Норқулов, Гули Жумаева кабиларнинг саъй-ҳаракати туфайли онахон яна фарзандлари бағрига қайтди.

— Шифохонада яратилган шароит, мутахассисларнинг ўз ишини пухта билиши ва замонавий асбоб-ускуналардан самарали фойдаланиши ҳамда кўрсатилган меҳр-оқибат натижасида тез тузалганим учун шифокорлардан миннатдорман, — дейди Омонгул момо.

Суратда: Омонгул МАЛИКОВА набираси билан
Анорбой НАЗАРОВ олган сурат



Мулоҳаза

Болалик — бахтиёр дамлар, бегубор онлар демакдир. У ҳақида ҳаяжонсиз, ширин хотираларга берилмай гапириб бўлмайди. Юрак у дамларни ҳар он кўмсайди, соғиниб яшайди. Инсон умрининг баҳори, ортга қайтмас фасли саналмиш болаликни ажиб туйғулар, гўзал хотиралар ила умр дафтарига битмоқлик ҳам саодатдир. Кимдир ана шу бахтни ҳис этиб, умр лаҳзаларидан унумли фойдаланади. Кимдир эса ўзи англаб етмаган ҳолда бегубор дамларни беҳуда ўтказиб, уни бой беради. Афсуски, бунга бевосита катталар ҳам сабабчи бўлиб қолишади. Ваҳоланки, улар ҳам қачондир ёш бўлишган, бола бўлишган. Уларни ҳам суюб эркалашган, ноҳўя хатти-ҳаракатлар қилишганида тергаб танбех беришган. Бугун улар ота-она бўлишгач, фарзандларига нисбатан муносабатларини тўғри йўлга солмай, ўзлари билиб-билмаган ҳолда уларнинг болалигига, бегуборлигига раҳна солишмоқда. Масалан, ҳаётнинг енгил-елпи йўлларида юриб ўрганган ота ёки она оиласини бевақт тарк этиб, фарзандлар юрагига сўнгсиз армон, кўзларига тубсиз мунг солиб кетаётган бўлса, яна бир қайсидир оилада ота-она ҳаёт мазмунини ичкиликдан излаган ҳолда фарзандлар гарданига рўзгор аравасини тортишдек машаққатли вазифани эрта юклар бўлмоқда.

Масаланинг этиборга молик томони, кимдир фарзандига тарбия бериш борасида қаттиққўлликда чегарадан чиқаётган бўлса, яна кимдир эса бунинг бутунлай аксини қилмоқда. Болани ҳаддан ташқари талтайтириб юборапти. Айримлар борки, ҳатто фарзанд тарбиясига мутлақо бепарво, лоқайд.

Эҳ, сиз катталар, катталар! Ҳаёт қонуни асосида ота-оналик бахтига муяссар бўлган ва бу бахтнинг давомийлигини таъминлайдиган фарзандлар келажаги, истиқболи учун масъулиятни унутган катталар. Фурсат келиб фарзандлар ҳам улғайишади, ўша дамда бахтиёр ўтмаган, ўзидан ҳеч бир из қолдирмаган болалик ҳақида эслаб ўкинса, сиздан гина қилса, унинг кўзларига қандай қарайсиз? Болаларни болалик дунёсидан эрта ажратиб олаётганингиз сабабини нима билан изоҳлайсиз? Уларнинг ўй-хаёли, дарду ташвиши билан нега ўз вақтида қизиқмаяпсиз? Бола билан дўстона, самимий муносабатда бўлишни қачон унутиб қўйдингиз? Ҳар ким дунёни ўз қаричи билан ўлчайди, деб бежизга айтилмаган. Боланинг қаричи ўзи каби митти. Боланинг ҳайратомуз нигоҳлари, маъно ва савол тўла кўзлари баъзан катталар қалбидаги меҳр булоқларини очишга нима учун ожизлик қилиб қолмоқда? Эҳ, катталар, йиллар суронида ўтиб бораётган умрингиз эртага ортга қайтмаслигини била туриб нега болаларнинг бегубор дамларини

ўғирляяпсиз?

Эрталаб эшик кўнгироғи узук-юлук жиринглади. Очсам 10-11 яшар атрофидаги қизалоқ. Кийими юпун бўлгани учун эрталабки салқинда совқотиб турарди. Ёнида эса сут, қатиқ тўлдирилган банкалар солинган иккита тўрхалта.

— Сут олмайсизми, опа, ёғлиқина, янги сут, — деди у мени кўриб.

Унинг шаштини қайтаргим келмай:

хурсанд эди. Бир маҳал телефон жиринглаб қолди. Югуриб бориб гўшакни кўтарган қизалоқ “Сенга ким керак, гапирмайсанми? Бувим кўчага чиқиб кетганлар. Кейин телефон қилинг”, деб бир сонияда бир олам гапни айтиб, гўшакни тезда жойига қўйди. Гўё бир ишни дўндиргандек ҳаммага бир кўр назар ташлади ва буви си-

ридорларни чорлаётган ҳам болалар. Баъзан уларнинг катталар билан баробарига таллашиб-тортишаётганини, ҳатто жанжаллашаётганининг ҳам гувоҳи бўлишингиз мумкин. Каттага ҳурмат, кичикка иззатни унутган, одоб доирасидан четга чиқаётган болалар. Андишани, қадр ва қимматини, ориятини бир чеккага суриб

мўсафидни жеркиб ташлашди. Бир гапдан қолишни хаёлига келтирмаётган аёл фарзанди қатори болани, бола эса онаси тенги аёлни ҳақорат қилишдан тап тортишмасди. Энг ёмони, боланинг ёнида отаси ҳам турар, гўё бундай томошаларни кўравериб кўзи кўникиб кетган шекилли, ўзини жуда хотиржам тутиб воқеани четдан томоша қиларди. Ўртадан андиша бутунлай кўтарилган эди...

Бир зиёли, маърифатли инсон билан шу мавзуда суҳбатлашганимда, у куюниб миллат келажаги, авлодлар давомчиси бўлмиш фарзандларни тўғри тарбиялаш, уларнинг болалик чоғиданоқ ўй-фикрлари, эътиқодини каттага ҳурмат, юртга садоқат, ҳаётга муҳаббат руҳида шакллантириш тўғрисида гапирган эди. Ўз навбатида бунинг учун болалардан ёшига хос вазифаларни талаб этиш, керак бўлганда, нафақат устоз, ота-она, балки сирдош, самимий дўст ҳам бўла олиш керак, деди у.

Ҳеч бир бола илк ташлаган қадамлари билан эгри кўчаларга, ёмон йўللарга кириб кетмайди ёхуд тили чиқиб оқ ноҳўя сўзлар билан киши дилини ранжитмайди. Ҳўш, бунинг сабаби нимада бўлиши мумкин? Гўдакнинг теварак-атрофдагилари унинг руҳияти ва камолотига истайсизми-йўқми бевосита таъсир кўрсатади.

Демак, боланинг кўнглида нима кечаётгани билан қизиқмасак, унинг ўй-хаёллари билан ўртоқлашмасак

Шабнам бағридаги

Келажак

— Сут керакмас. Агар қатиқ бўлса олардим, — дедим.

— Бор, қатиқ ҳам бор, — шундай дея шоша-пиша бир банка қатиқни узатди.

Пул ва бўшаган банкани олган қиз менга харидим учун миннатдорчилик билдириб изига қайтди. У юк оғирлигидан зўрға кетиб борарди. Ҳаётнинг залворли ташвишлари жамланган оғир тўрхалталарни кўтариб, қаддини бироз эгиб олган ҳолда кетиб бораётган қизалоқни эрта тонгдан ғимирлаб юришга нима мажбур қилди экан? Нозик жуссаси, мурғак қалби ҳаёт ташвишларидан эрта зада бўлиб қолмайдими?

Дугонам туғилган кунига тақлиф қилди. Синфдош қизлар йиғилишиб бордик. Улар билан бирга яшайдиган акасининг беш ёшли қизчаси ҳам бор экан. Қизалоқ меҳмонлар билан ўзини ниҳоятда эркин тутиб суҳбатлашарди. У меҳмонларнинг ёнида ўтириб, кийим-кечаги, тақинчоқларининг нарҳини сўраб-суриштирар, айримларига ўзича баҳо ҳам беради, қайси бири унга маъқул келгани, қайсилари ёқмаганини айттар эди. Уйдагилари эса қизалоқнинг бу қилигидан

нинг ёнига бориб ўтирди. “Бизнинг эркатойимиз ана шунақа”, дея буви уни мактаб қўйди. Гапнинг очиги, ўзини катталардек тутаяётган, ҳар бир гап-сўзида, хатти-ҳаракатида уларга тақлид қилаётган, ёлғон гапиршни “ўхшатиб” қўйган қизалоқ менда галати таассурот қолдирди. Айниқса, янграётган мусиқага рақс туша бошлаганида, турли муқомлар қилганида унинг болаликдан бутунлай йироқлашиб кетганини кўрдик. У болалик шўхликларини, бегуборликни катталарга тақлидга алмаштириб улгурганини ўзи тушунмас эди...

Хар куну бўлмаса-да, кунора ҳаммамиз бирровга бозорга тушамиз. Бозор эса одатдагидек ҳар доим гавжум бўлади. Унда олувчи ҳам, сотувчи ҳам кўп. Ажаблаларли жиҳати эса, улар ичида болалар кўпчиликини ташкил этади. Қўли-қўлига тегмай савдо қилаётган ҳам, лаби-лабига тегмай ха-

қўйиб жанжаллашаётган катталар.

Бозор оралаб савдо қилиб юрар эканман, сал нарироқдаги расталар томондан эшитилган шовқин-сурон диққатимни тортиди. Бир зумда беш-олти томошабин ҳам йиғилишга улгурибди. Маълум бўлишича, бир аёл гўшт сотаётган болаларнинг биридан икки кило гўшт сотиб олган экан. Уйига бориб ўлчаб кўрса, нақ ярим кило кам чиқибди. Бундан жиғибийрон бўлган аёл дарҳол изига қайтиб, олган гўштини бериб, пулини қайтаришни талаб қилар, унга гўшт сотган 12-13 ёшлар атрофидаги болакай эса бундан бош тортаётган эди. Болакай аёлнинг гапини эшитишни кам истамасди. Бундан эса аёл янада жаҳл отига минарди. Бора-бора аҳвол шу даражага етдики, бола ҳам, аёл ҳам оғзидан чиқаётган гапни ўзлари билтишмасди. Уларни муромага келтирмоқчи бўлган

— бу биз учун кейинчалик катта хато бўлиши мумкин. Арзимасдек туюлган иккичирлардан келиб чиқадиган улкан хатоларнинг олдини олмоқ ҳақида ўйлаб кўриш керак. Бунинг учун болаларнинг хатти-ҳаракатини назорат қилиш билан бирга уларга яқин ҳамфикр, дўст бўлишга интилайлик. Токи, ҳали яхши-ёмонни, оқ ва қорани тузук ажрата олмайдиган бола қандайдир муаммо ёки ташвишини кечагина танишган ўртоғига эмас, ота-онасига айтсин, маслаҳат, кўмак сўрасин. Бундан ташқари, уларнинг ёшига, феъл-атворида, дунёқарашига муносиб вазифаларни юклайлик. Болалар билан болаларча муносабатда бўлайлик. Ўз манфаатини кўзлаган ҳар бир инсон болаларнинг ҳам манфаати ва орзу-истаклари борлигини унутмасин.

Ҳидоят Жўраева,
журналист

Ҳафталик TV дастури

14-20 август

Душанба 14

O'ZBEKISTON

5.55 Курсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.45 "Тахлилнома".
8.45 ТВ анонс.
8.40 Олтин мерос.
"Ёз - ўлкада соғ".
8.50 1. "Мушулар ва итлар". Болалар ушун фильм.
2. "Қўнғуз амакининг ҳўқоқлари". Мультсериал.
10.50 ТВ анонс.
10.55 "Сизнинг адвокатингиз".
11.00 "Ахборот".
11.10 ТВ анонс.
11.15 "Омон бўлинг".
11.20 "Одами эрсан".
11.40 "Улдинг, азиз бўлдинг". Муқимий номидидаги ўзбек давлат музыкали драма театрининг спектакли. 1-қўсим.
12.40 ТВ анонс.
12.45 "Улдинг, азиз бўлдинг". Спектакль. 2-қўсим.
13.50 Олтин мерос.
14.00 "Ахборот".
14.15 ТВ анонс.
14.20 "Ассалом, Ўзбекистон!" Қўнғуз дастури.
15.20 "Ватанпарвар".
16.20 "Аёл ва жамият".
"Болалар сайёраси".
16.40 "Эрталар - яшилликка етаклар".
17.00 "Ахборот".
17.10 ТВ анонс.
17.15 Олтин мерос.
17.25 "Равнак" студияси намойиш этади.
17.40 "Қалпоқ". Ҳажвий курсатув.
18.10 ТВ анонс.
18.15 "Мозий сирлари". 1-қўсим.
18.35 "Пойтахт". Видеofilm. 5-қўсим.
19.05 "Оқинлар оғушида".
19.15 Бўржа ва банк хабарлари.
19.20 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги олдидан.
"Ватан фидойилари".
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Ўзлонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
20.00 ТВ анонс.
20.05 "Омон бўлинг".
20.10 "Ишқ эртаги". Телесериал премьераси.
21.00 "Ахборот".
21.35 ТВ анонс.
21.40 "Ватан ҳақида қўшиқлар". Илҳом Иброҳимов.
22.00 "Тақдир тухфаси". Телесериал премьераси (Корея).
23.10 "Қўшиқман, муҳаббат" (SMS. Овоз бериш).

YOSHLAR

15.55 Дастурнинг очилиши.
16.00 Давр.
16.15 Анонслар.
16.20 Болажон.
16.30 Ватан ҳақида ўйлар.
16.35 Солиқ хизмати хабарлари.
16.45 Матонат.
17.00 Қўзил ҳудуд.
17.15 Кино-SMS.
17.20 "Ҳазина". Бекрод миниатюралари.
17.35 "Нихол" мукофотига номзодлар.
17.50 UzEx хабарлари (инглиз ва рус тилларида).
18.10 Кино-SMS.
18.15 "Моя мечта". Дунё таомлари.
18.45 UzEx хабарлари.
18.55 Менинг дийрим.
19.00 Давр.
19.35 Анонслар.
19.40 Автогастрол.
20.00 Спорт-лото.
20.10 SMS-наволар.
20.30 Оқшом кўнжироқлари.
20.35 Ракурс.
20.50 Кино-SMS.
20.55 Ўзлонлар.
21.00 "Нихол" мукофотига номзод Озод Тиллаевнинг кўйлағи.
21.30 Кино-SMS.
21.35 "Самодани юлдузлар". «Пахтакор-79» хит-парадига бағишланади.
22.00 Давр.
22.35 Кино-SMS.
22.40 "YOSHLAR-ДА ЕЗ ОҚШОМЛАРИ".
0.10 - 0.15 Озулар бекати.

TOSHKENT

18.10 Курсатувлар тартиби.
18.15 Мультфильм. «Похохонтас».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури. /рус/.
18.45 «Анонс».
18.50 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллигига: «Келажакка интилиб».
19.00 «Телекурьер-маркет».
19.15 «23, 5 даражали буржак остида». Хужжатли телесериал.
19.40 Музыка SMS.
20.00 «Пойтахт» ахборот дастури.
20.15 «Анонс».
20.20 «Индуба». Телесериал. /рус/.
21.00 «Жаҳоннинг муқомлари». Мультсериал.
21.05 «Анчаман». Мультсериал.
21.15 «Анчаман». Мультсериал.
21.20 «Анчаман». Мультсериал.
21.25 «Анчаман». Мультсериал.
21.30 «Анчаман». Мультсериал.
21.35 «Анчаман». Мультсериал.
21.40 «Анчаман». Мультсериал.
21.45 «Анчаман». Мультсериал.
21.50 «Анчаман». Мультсериал.
22.00 «Анчаман». Мультсериал.
22.05 «Анчаман». Мультсериал.
22.10 «Анчаман». Мультсериал.
22.15 «Анчаман». Мультсериал.
22.20 «Анчаман». Мультсериал.
22.25 «Анчаман». Мультсериал.
22.30 «Анчаман». Мультсериал.
22.35 «Анчаман». Мультсериал.
22.40 «Анчаман». Мультсериал.
22.45 «Анчаман». Мультсериал.
22.50 «Анчаман». Мультсериал.
22.55 «Анчаман». Мультсериал.
23.00 «Анчаман». Мультсериал.
23.05 «Анчаман». Мультсериал.
23.10 «Анчаман». Мультсериал.
23.15 «Анчаман». Мультсериал.
23.20 «Анчаман». Мультсериал.
23.25 «Анчаман». Мультсериал.
23.30 «Анчаман». Мультсериал.
23.35 «Анчаман». Мультсериал.
23.40 «Анчаман». Мультсериал.
23.45 «Анчаман». Мультсериал.
23.50 «Анчаман». Мультсериал.
23.55 «Анчаман». Мультсериал.
0.00 «Анчаман». Мультсериал.

20.45 «Телекурьер-маркет».
21.00 «Жаҳон».
21.15 «Эрудит».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури. /рус/.
21.45 «Анонс».
21.50 «Кино мўжизалари». Илмий-оммабоп фильм.
22.15 «Аёл қалби».
22.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
22.45 «Анонс».
22.50 Кино. «Оз ҳам эмас, кўп ҳам эмас». Бадиий фильм. 1-қўсим.
23.35-23.40 «Хайрли тун, шаҳрим».

SPORT-TV

7.00 «Бардам бўлинг».
8.00 «Версия». Информацион-таҳлилий курсатув.
8.30 Мультфильм.
9.00 «Талқин». Информацион-таҳлилий курсатув.
9.30 Белбоғли кураш. Республика турнири.
9.50 «Детективлар».
10.25 Жаҳон спорти. Теннис.
11.15-12.05 «Талисман». Сериал.
«Sport» телерадиоканали.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 «Спортмиз маликалари».
18.30 «Хабарлар» (рус. тилида).
18.55 «Мени кутгани».
20.00 «Вести».
20.20 «Тет-а-тет».
20.30 «Хайт гўзал». Сериал.
21.30 «Хабарлар» (узб. тилида).
21.50 «Футбол шарни».
22.10 Бокс. Ўзбекистон чемпионати.
23.10 Енгил атлетика. Европа чемпионати.
00.10 «Туянғиз осуда бўлсин».

ПЕРВЫЙ

4.00 Телеканал «Доброе утро»
8.00 Новости
8.05 Телеканал «Доброе утро»
8.30 «Агент национальной безопасности». Многосерийный фильм
9.30 «Доктор Курпатов»
10.00 «Малехов»
11.00 Новости
11.15 Сериал «Талисман»
12.05 «Дети на заводе». Документальный фильм
13.00 Другие новости.
13.20 Криминальная Россия. «Безумная семейка»
14.00 Новости (с субтитрами)
14.20 «Продавец чудес». Документальный фильм
15.20 Премьера. Валерий Гаркалин, Семен Стручков, Михаил Боярский в сериале «Веселые соловьи»
15.55 «Пусть говорят» с Андреем Малаховым
17.00 Вечерние новости (с субтитрами)
17.15 Премьера. «Понять. Простить»
17.50 «Любовь как любовь». Многосерийный фильм
18.55 «Жди меня»
20.00 Время
20.30 Андрей Соколов в многосерийном фильме «Близнецы»
21.25 Тайны века. «Вольф Мессинг. «Я вижу мысли людей»»
22.25 Криминальная Россия. «Фальшивомонетчики». 1-я серия
22.50 «На ноге глады»
23.40 «Михаил Тарвердиев. Мгновения». Документальный фильм

0.35 Приключенческая комедия «Три Ниндзя: костюми вавре»
2.00 Время
2.30 Триллер «Искусственная кожа»

РОССИЯ

4.00 «Доброе утро, Россия».
7.45 Светлана Тома, Григорий Григорьев, Борислав Брондуков и Ляля Черная в фильме Эмилия Лотью «Табора уходит в небо». 1976г.
9.50 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
10.00 ВЕСТИ.
10.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА
10.50 «Комната смека»
11.45 «Настоящая жизнь». Ток-шоу с Владимиром Молчановым и Ликой Кремер.
12.45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
13.00 ВЕСТИ.
13.20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА
13.40 Фархад Мамадов в фильме «К Вам пришел ангел...».
15.45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
16.00 ВЕСТИ.
16.20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА
16.40 «Обреченная стать звездой». Телесериал.
17.40 Михаил Мамаев, Виктор Вержбицкий, Инга Стрелкова-Оболдина, Эммануил Виторган, Людмила Нильская, Алексей Булдаков, Александр Берда, Владимир Долгачев и Анатолий Лободский в телесериале «Волчица».
18.40 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
19.00 ВЕСТИ.
19.45 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА
20.05 «Спокойной ночи, малыши!»
20.15 РУССКАЯ СЕРИЯ. Анна Ковальчук в детективном сериале «Тайны следствия»
22.15 «Мой серебряный шар». Франсуаза Саган. Вадим Шитиков. Виталий Вульф.
23.15 «ВЕСТИ»
23.35 ПРЕМЬЕРА. Александр Тютин, Александр Цуркан, Михаил Химичев и Виктория Малекорич в детективном телесериале «Угон».
0.40 «Дорожный патруль»
0.50 НОЧНОЙ СЕАНС. Чехи Чей в остросюжетном фильме «Олеги» (США). 1985г.
2.30 Канал «Евросеть» на русском языке.
3.45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.

ТВ-3

7.00 Мультсериал «Гарфилд». 67-я серия.
7.15 Мультсериал «Гарфилд». 68-я серия.
7.30 Победоносный голос.
8.00 Мультсериал «Сабрина - маленькая ведьма». 46-я серия.
8.30 Русские мультфильмы.
9.00 Про кино.
9.30 «Свет-шоу». 1-я серия.
10.00 Художественный фильм «СОВЕТНИК ПРЕЗИДЕНТА». США, 1999.
12.00 Художественный фильм «ИНСПЕКТОР-РАЙНЕР». Франция, 1980.
14.00 «Свет-шоу». 1-я серия.
14.30 Про кино.
15.00 Художественный фильм «С ЛЮБОВЬЮ, ЛИЛИА». Россия, 2002.
17.00 Художественный фильм «ЛЮБОВНЫЙ НАПЛИТОК №9». США, 1991.
19.00 Художественный фильм «ТАЙНЫЙ ПЛАН». США, 2001.
21.00 Киноновости.
21.30 Художественный фильм «БИТВА ДРАКОНОВ». США, 1999.
23.30 Художественный фильм «ЗА ГРАНЫ ВРЕ-

МЕН». Германия, 2003.
1.30 Сериал «СЕМЬЯ СОПРАНО». 1-я серия.
2.30 Художественный фильм «МИШЕНЬ НОМЕР ОДИН». США, 2002.
4.30 Сериал «СЕМЬЯ СОПРАНО». 1-я серия.
5.30 Relax.

СТС

7.00 «Веселые мелодии». Многосерийный мультипликационный фильм.
7.55 «Смешарики». Многосерийный мультипликационный фильм.
8.00 «33 квадратных метра».
8.30 Комедия на СТС. «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
9.00 «НЕ РОДИТЬСЯ КРАСИВОЙ!». Многосерийный художественный фильм.
10.00 История в деталях.
10.28 Настроение с Евгением Гришковцом.
10.30 Комедия на СТС. «КТО В ДОМЕ ХОЗЯИН?»
11.00 Кино на СТС. «СЕТИ ЗЛА».
13.00 «ТАЛИСМАН ЛЮБВИ». Многосерийный художественный фильм.
14.00 Комедия на СТС. «НОВАЯ СЕМЕЙКА АДДАМС».
14.30 «Экзалибур». Многосерийный мультипликационный фильм.
15.00 «Смешарики». Многосерийный мультипликационный фильм.
15.05 «Принцесса Сиси». Многосерийный мультипликационный фильм.
15.30 «Звездный десант». Многосерийный мультипликационный фильм.
16.00 «Лига справедливости». Многосерийный мультипликационный фильм.
16.30 «Охотники за привидениями». Многосерийный мультипликационный фильм.
17.00 Комедия на СТС. «САБРИНА - МАЛЕНЬКАЯ ВЕДЬМА».
17.30 «ЗАЧАРОВАННЫЕ». Многосерийный художественный фильм.
18.30 «КОМИССАР РЕКС». Многосерийный художественный фильм.
19.30 Комедия на СТС. «КТО В ДОМЕ ХОЗЯИН?»
20.00 Комедия на СТС. «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
20.30 История в деталях.
20.58 Настроение с Евгением Гришковцом.
21.00 «НЕ РОДИТЬСЯ КРАСИВОЙ!». Многосерийный художественный фильм.
22.00 «РАЗВОД И ДЕВИЧЬЯ ФАМИЛИЯ». Четырехсерийный художественный фильм. 1-я серия.
10.10 Мультфильмы
10.30 "Телехамкор"



- 10.45 Худ. фильм "Фантастическая пицца"
12.30 Мультфильмы
12.45 "Мусликий табассум"
13.00 "Телеэкспромт"
13.20 "Хит-парад плюс"
14.20 "Шоу-бизнес янгликлар"
14.50 "Болалар соати"
15.20 "Аёллар орузи", познавательная передача
15.50 "До-Ми-Соль-шоу"
16.45 "Телехамкор"
17.00 Документальный фильм
17.30 "Мусликий табассум"
18.00 "Болалар соати"
18.20 "Юрак торлари"
18.30 "Сугдиёна"
19.00 "Телехамкор"
19.20 "Ошикона"
20.00 "30-й кадр"
20.30 "Мусликий табассум"
21.00 "Якшанба оқшомида" мусликий дам олиш дастури
21.40 "Мусликий табассум"
22.10 Киноэкрани "Махаллада дув-дув гап"

TV-MARKAZ

Душанба 14

- 12.00 ПРЕМЬЕРА! (узб.)
12.20 Узбек наволари
13.00 ПРЕМЬЕРА! (рус.)
13.20 Мировые хиты
14.00 "Великолепная семёрка" (повтор)
14.30 Узбек наволари
15.00 Теленяня
15.45 Узбек наволари
16.30 Мировые хиты
17.00 "Судьба"
17.30 Узбек наволари
18.00 ПРЕМЬЕРА! (узб.)
18.20 Узбек наволари
19.00 ПРЕМЬЕРА! (рус.)
19.20 Сериял "Тронутые" 6-серия
20.20 Узбек наволари
21.00 "Миссия неповторима" (повтор)
21.30 Мировые хиты
22.00 Комедия по понедельникам "Наверное, боги сошли с ума"
23.50 Миксер

Сешанба 15

- 12.00 Марказ NEWS (узб.)
12.15 Узбек наволари
13.00 Марказ NEWS (рус.)
13.15 Мировые хиты
14.00 "Юлдузли пайшанба" (повтор)
14.30 Узбек наволари
15.00 Теленяня
15.45 Узбек наволари
16.30 ТОП-20 (повтор)
17.15 Узбек наволари
18.00 Марказ NEWS (узб.)
18.15 Мировые хиты
18.30 ПРЕМЬЕРА! (узб.)
18.50 Узбек наволари
19.00 Марказ NEWS (рус.)
19.15 Сериял "Тронутые" 7-серия
19.15 Сериял "Тронутые" 8-серия
20.15 Мировые хиты
20.30 "Великолепная семёрка" (повтор)
21.00 Узбек наволари
22.00 Лучные фильмы всех времен "Клуб Коттон"
00.20 Миксер

Чоршанба 16

- 12.00 Марказ NEWS (узб.)
12.15 Мировые хиты
13.00 Марказ NEWS (рус.)
13.15 Узбек наволари
14.00 ПРЕМЬЕРА! (рус.)
14.20 Узбек наволари
15.00 Теленяня
15.45 Узбек наволари
16.00 "Миссия неповторима" (повтор)
16.30 Узбек наволари
17.00 "Очил дастурхон" (повтор)
17.30 Узбек наволари
18.00 Марказ NEWS (узб.)
18.15 Узбек наволари
19.00 Марказ NEWS (рус.)
19.15 Сериял "Тронутые" 9-серия
20.55 Узбек наволари
21.00 "Юлдузли пайшанба"
21.30 ПРЕМЬЕРА! (узб.)
21.50 Узбек наволари
22.00 Наше кино "Муҳаббат моҳараси"
23.40 Миксер

Пайшанба 17

- 12.00 Марказ NEWS (узб.)
12.15 Узбек наволари

Чоршанба 16

- 13.00 Марказ NEWS (рус.)
13.15 Мировые хиты
14.00 Спецрепортаж
14.20 Узбек наволари
15.00 Теленяня
15.45 Мировые хиты
16.00 Узбек наволари
16.30 "Великолепная семёрка"
17.00 Узбек наволари
18.00 Марказ NEWS (узб.)
18.15 Узбек наволари
19.00 Марказ NEWS (рус.)
19.15 Сериял "Тронутые" 9-серия
20.55 Узбек наволари
21.00 "Юлдузли пайшанба"
21.30 ПРЕМЬЕРА! (узб.)
21.50 Узбек наволари
22.00 Наше кино "Муҳаббат моҳараси"
23.40 Миксер

Жума 18

- 12.00 Марказ NEWS (узб.)
12.15 Мировые хиты
13.00 Марказ NEWS (рус.)
13.15 Узбек наволари
14.00 "Юлдузли пайшанба" (повтор)
14.30 Узбек наволари
15.00 Теленяня
16.20 Мировые хиты
16.30 ПРЕМЬЕРА! (рус.)

Чоршанба 16

- 16.50 Узбек наволари
17.00 "Судьба" (повтор)
17.30 Узбек наволари
18.00 Марказ NEWS (узб.)
18.15 Узбек наволари
19.00 Марказ NEWS (рус.)
19.15 Сериял "Тронутые" 10-серия
20.15 Мировые хиты
21.00 Узбек наволари
22.00 Кино "Антикиллер"
00.00 Миксер

Шанба 19

- 12.00 TOTAL NEWS (узб.)
12.20 Узбек наволари
13.00 TOTAL NEWS (рус.)
13.20 Узбек наволари
14.00 Мировые хиты
14.30 Узбек наволари
15.00 Теленяня
16.20 Узбек наволари
17.00 TOTAL NEWS (узб.)
17.20 Узбек наволари
18.00 TOTAL NEWS (рус.)
18.20 Узбек наволари
19.00 Спецрепортаж
19.20 Индийское кино "Сен менга турмушга чикасанми?" 2-серия
20.40 Мировые хиты
21.00 "ТОП-20"
21.45 Узбек наволари
22.00 Кино SMS-голосование:
1. "Элизабеттаун"
2. "Голова в облаках"
3. "Перегон"
24.00 Узбек наволари
00.30 ПРЕМЬЕРА! (рус.)
00.50 Узбек наволари

Якшанба 20

- 12.00 TOTAL NEWS (узб.)
12.20 Узбек наволари
13.00 TOTAL NEWS (рус.)
13.20 Узбек наволари
14.00 Мировые хиты
14.30 Узбек наволари
15.00 Теленяня
16.20 Узбек наволари
17.00 TOTAL NEWS (узб.)
17.20 Узбек наволари
18.00 TOTAL NEWS (рус.)
18.20 Узбек наволари
19.00 Спецрепортаж
19.20 Индийское кино "Сен менга турмушга чикасанми?" 1-серия

ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО



«КЕЛИН»

Светлана билан Андрей рисолада-гидек эр-хотин бўлишмаган. Кўча танишлигу ёш йигитнинг ишқий саргузаштлари боис гўёки оилага айланган бу жуфтликни қўш кабутарга қиёслаш қийин. Ўглининг бегона шаҳарда номаълум аёлга илакишиб қолгани имон-этиқодли Валентина Харламовага сира ҳам хуш келмайди. Она фарзандининг бошини айлантириб олган аёлдан норизо эди. Охиروқибатда бебош ўглини Тошкентдан Ховосга қайтариб келди. Эридан ажралиб қолган Светлана ўт бўлиб ёнди. Уни ёлғизлик комида қолдирган аёлга нафрати ортгандан ортди. Қайнонани йўлдан олиб ташласа, бахтли бўладигандек эди, назарида. Ана шундай кунлардан бирида пул учун ҳар қандай разилликдан қайтмайдиган шахсга дуч келди...

Лекин у рад этиб бўлмайдиган далиллар қаршисида лом-мим деёлмай қолди. Эр бермоқни жон бермоқ,

ёхуд қайнонасига қотил ёллаб роҳат-фароғатга эришмоқчи бўлган аёл ҳақида

...Ўглини ҳарбий хизматга кузатган она хотиржам тортди. Энди шўхлиги босилар деган ўйда эди. Аммо ўзини кимдир кузатаётгани, ўлим хавфи ҳар қадамда таҳдид солаётгани ҳаёлига ҳам келмасди. Ёз оқшомларидан бирида унинг ўз хонадонидан сирли тарзда ўлдирилиши нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, балки бутун Ховос шаҳарчаси аҳлини таажжубга солди. Прокуратура, ички ишлар бўлими оёққа турди. Усталлик билан қилинган қотилликдан на из, на бир ном-нишон бор. Тезкор қидирув режалари ишлаб чиқилди. Бир қатор йўналишларда суриштирув бошланди. Қотил марҳуманинг юз, бўйин, қўл-оёқ, кўкрак, қорин қисмларига аямасдан 18 мартаба пичоқ санчган. Унчалик бадавлат бўлмаган, бировга озор бермайдиган аёлга бу қисматни ким раво кўрди экан? Хонадонда ўғирлик излари кузатилмаганлиги янада ажабланирли эди. Тезкор тадбирлар чоғида ўз машинасида киракашлик қилувчи йигит шу атрофдаги бекатдан бир келган кишини ҳамза кўчасига олиб бориб қўйганлигини айтиб қолди. Ўша номаълум кишининг шахси ўрганилиб, унинг ичкиликка мойиллиги аниқланди. Валерий Зельмеж илк терговдаёқ маҳоратли ҳуқуқ муҳофазачиларининг асосли саволлари қаршисида довдираб қолди. Марҳумани ўғли Робертнинг бюртмасига асосан ўлдирилганини валдираб қўйди. Гап маъноси қаёққа кетаётганини англаб қолгач, ўзини мастликка солиб терговни чалғитиш пайига тушди. Изқуварлар сабр-матонат билан ундан сўз олишди, албатта, мастлиги буткул тарқаб хушёр бўлгач, марҳума ўғлим Робертни ўғирликда айблаб қаматмоқчи эди, кайф устида пичоқ урганман, ўлдириш мақсадим бўлмаган, деган важи тўқиб чиқди.

Жиноятдан кўзланган мақсад ойдинлашмаётган эди. Чунки марҳума маст-аласт билан тортишадиган аёл эмас. Босик, вазмин, боз устига, Зельмежлар билан мутлақо алоқаси бўлмаган. Қотилликнинг асл мазмуни очилиши керак. Парда ортида кимдир бор. Шу боис ҳам ишга дахлдорлик тах-

мини остида Роберт Зельмеж сўроққа тортилди. У 1981 йилда тугилган, яқка тадбиркорлик билан шуғулланар, отаси Валерий хонадонини аллақачон тарк этганди. Роберт ҳам эртагу чўпчаклар тўқишдан чарчамади. Унинг айтишича, ўтган йилнинг апрелида Тошкентда яшовчи, она томонидан қариндоши Светлана Полонскаянинг уйида маълум муддат яшаб туради. Иши юришмасдан, қариндошидан 200 минг сўм қарздор бўлиб қолганмиш. Мушкул аҳволдан қутулиш учун Ховосда яшовчи отасидан 20 минг сўм пул ва эски телевизорни олиб Тошкентга холаваччаси Светлана хонадонига боради. Дарду дунёси қоронғи холавачча кўргилигини баён этганмиш. Никоҳсиз эрининг онаси телефон қилиб, 300 минг сўм пул талаб қилганини, у рад этгач, ўглини Ховосга олиб кетиб қолганини айтиб беради.

Робертдан Андрейни қайтаришни илтимос қилганмиш. Шундан сўнг кичик Зельмеж Ховосга Валентина Харламова хонадонига келган. Андрейнинг дўстиман, дея меҳмон бўлади. Андрейни ҳарбий хизматга кузатишга ҳам чиққан. Ҳарбийга айланган йигит кетар чоғида қайн бола кулоғига "Онам сени ўғирликда айблаб милицияга топширмоқчи" дея шипшитганмиш. Бу гапдан кўрқиб кетган Роберт отасини ишга солганмиш. Чол кургур ҳазиллашиб кампирни ўлдириб қўйганмиш.

Робертнинг ҳикояси ишонарли тарзда тўқилса-да, терговчиларни қаноатлантирмади. У бераётган кўрсатмаларнинг аксарияти тергов материалида мавжуд бўлган ҳолатларга мос келмасди. Шу боис, жиноят тафсилотида янада чуқурроқ кириб борилди. Ўз сўзида туриб олган Роберт минг қўйга тушмасин, ҳақиқат юзига ниқоб тортолмади. Унинг чалғитишга уриниши чиппакача қавверди. Узоқ, аммо сабр-тоқат билан олиб борилган сўроқ натижасида Роберт ҳақиқатни баён этишдан ўзга чора тополмади.

Қайнонамга қасд қилиб ўлибманми, дея оёқ тираб турган Светлана Полонскаяни ҳам тилга киритиш осон бўлмади.

дея қабул қилган Светлана кўнглига жаҳолат уя қурди. Ҳаммасига қайнонаси сабабчи-дек эди. Аслида пойдевори омонат бу турмушга ана шу тахлит нуқта қўйилиши аниқ. Ҳали ҳаёт чиғиригидан ўтмаган ёш йигит унга ёр бўлолмади. Аммо у бу оддий ҳақиқатни тан олгиси келмади. Кампирдан кутулса, гўё бошқа тўсиқ йўқ эди. Бу ҳақда кўп ўйлади. Турли режалар тузди.

Шум ниятнинг ижрочиси ҳам лоп этиб оёғи остидан чиқиб қолди. Унга 200 минг сўм пул беришни ваъда қилди. Анчадан буён чўнтагидан шамол эсиб юрган Робертга бу таклиф мойдек ёқди. Қалтис ишда, деди чаккасини қашиб. Пул керак-ку сенга, муаммонг ҳал бўлади, дея холаваччанинг чакаги ўчмасди. Бир кун қўлига пичоқ тутқазиб, ишни бажариши учун Ховос сари отланишга ундади. Умрида чумчуқ сўймаган йигитнинг қотиллик қилишга журвати етмаси-да, Светланага дағдағаларидан юраги орқага тортарди. Боши қотган Роберт пиёниста отасидан фойдаланишни маъқул топди. Ароқдан ўзга дастёри йўқ Валерий Зельмежга ўғли обдон эриди. Заҳри-заққумга бўккан ота сахий ўғил учун ҳар ишга тайёр эди. Қўлига пичокни тутқазганида ҳам эти учгани йўқ. Хотиржам бўл, менга бу ишлар чикора, дея манзилига равона бўлди. Ақлу хушдан айрилган маст Валерий бир бегуноҳ ҳаётига нуқта қўяр экан, қайси гуноҳлари учун, дея ўйлаб ҳам кўргани йўқ.

Бир инсон ҳаётдан кўз юмиб кетди. Аммо 200 минг сўмга эга бўлган Роберт ҳам, қайнонадан қутулган Светлана ҳам орзуларига эриша олмади. Уларнинг хом хаёллари амалга ошмади. Ёвузлик, бешафқатлик уларни яна бир йўлакда учраштирди. Аммо бу галги юзма-юз учрашув афсунадоматлар билан тўлиб-тошганди.

Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят суди ҳукмига биноан Валерий Зельмеж 20 йилга, Роберт Зельмеж 17 йилга, Светлана Полонская 13 йилга 6 ойга озодликдан маҳрум этилди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ишонч» муҳбири

Спорт + футбол

ЁШАРИМИЗ БЎШ КЕЛМАЯПТИ

Ўзбек шахмат мактаби довруғи дунёга таралган. Ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов эришган оламшумул галаба уни яна бир поғона юқорига кўтарди. Йил сайин янги-янги истеъдодлар етишиб чиқмоқда.

Шу кунларда Туркияда Бутунжаҳон ёшлар шахмат олимпиадаси давом этмоқда. 24 мамлакат вакиллари қатнашаётган нуфузли мусобақада юртдошларимиз ҳозирча олтинчи ўринни эгаллаб турибди. Биринчи турда кенияликларни 4:0 ҳисобида енгган вакилларимиз, кейинги турда украиналикларга 1:3 ҳисобида имкониятни бой берди. Бироқ, бизникилар учинчи турда яна ташаббусни ўз қўлларига олди ва Озорбайжон шахматчиларини 3:1 ҳисобида енгди. Александр Касян ва Жамшид Мустафоев Васиф Журабейли ва Егор Расулов устидан галаба қозонган бўлса, Евгений Пак ва Хуршид Мустафоевлар рақиблари билан очколарни баҳам кўрди.

ГОЛАРГА БОЙ ТУР

Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионатининг 19-тур ўйинлари голларга бой бўлди. Хоразмда маҳаллий "Хоразм"нинг меҳмони бўлган чемпионат пешқадами "Пахтакор" мезбонлар дарвозасига 9 та тўп киритиб, чемпионатдаги энг йирик галабасини нишонлади. Хоккейча ҳисобга айланган ўйинда мезбонлар фақатгина битта жавоб тўпи киритди, холос. Пахтакорчилар бу галабадан сўнг 52 очко жамғариб, карвонбошилиқни давом эттирмоқда. Пешқадамнинг яқин таъкибчиларидан саналмиш "Нефтчи" ўз майдонида "Шўртан" футболчиларини 2:1 ҳисобида енгди. Турнинг қолган учрашувлари куйидагича якун топди:

- "Самарқанд" — "Тўпаланг" — 2:0
- "Навбахор" — "Локомотив" — 3:0
- "Машъал" — "Сўғдиёна" — 3:0
- "Бухоро" — "Андижон" — 0:0
- "Кизилқум" — "Насаф" — 0:0
- "Металлург" — "Трактор" — 1:2

"ПАХТАКОР" — ОСИЁЛА ИККИНЧИ!

Футбол тарихи ва статистикаси халқаро Федерацияси (IFFHS) дунёнинг 350 та энг кучли футбол жамоаларининг янги рейтингини эълон қилди. Италия "А" сериясининг голиби бўлган "Интер" жамоаси биринчи ўринда қайд этилди. Европа чемпионлар лигаси баҳсларининг амалдаги чемпиони Испаниянинг "Барселона" ҳамда Англия вакили "Ливерпул" жамоалари кейинги ўринлардан жой олган.

Шунингдек, Ўзбекистон чемпионати ва мамлакат Кубоги мусобақаларида муваффақиятли иштирок этаётган Тошкентнинг "Пахтакор" жамоаси ҳам IFFHS рейтингда ўз ўрнини яхшилаб олди. Янги рўйхатда "Пахтакор" жамоаси беш ўринга юқорилади ҳамда 121-ўринда қайд этилди. Тошкентлик чарм тўп усталари Осие футбол жамоалари орасида Иорданиянинг "Ал-Файсал" жамоасидан кейин иккинчи ўринда бормоқда.

СЕВИМЛИ ФУТБОЛЧИСИДАН ДАСТХАТ ОЛИШ УЧУН

Ҳақиқий мухлис шундай бўлади. Марғилонлик икки дўст Ақром Маъруфжонов ҳамда Маъсуджон Ҳомидовлар Германияда ўтган жаҳон чемпионатини ўз кўзлари билан кўриш ҳамда сеvimли футболчиси Оливер Кандан дастхат олиш учун 6,5 минг километр масофали йўлни велосипедда босиб ўтдилар.

Ўзининг олис Ўзбекистонда мухлислари борлигини ОАВ орқали билиб олган немис дарвозабони уларнинг Германияга келишини қутлади ва ишқибозлари билан учрашди.

Кун кеча Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонасида Германиянинг юртимиздаги Фавкулудда ва мухтор элчиси Ханс-Йохим Кидерленнинг марғилонлик мухлисларни қабул қилди ва сафарнинг муваффақиятли якунлангани билан табриклади.

ОАВ ходимлари билан суҳбатлашган Маъруфжонов бундан аввал велосипедда 1994-1995 йиллар Маккага борганини айтган. Бу борада катта тажриба орттирган велосипедчилар энди Африкада бўлиб ўтадиган кейинги жаҳон чемпионатига боришни режалаштиришмоқда.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Мусохаба

Карияларимиз дуога қўл очганда "Фарзандингиз полвон бўлсин" деган иборани кўп ишлатишади. Эзгуликка йўғрилган бу ҳикматда катта маъно бор. Ўзбек диёрида полвонларни ҳар доим эъзозлашган, уларга миллий қахрамон сифатида қарашган. Ўз навбатида полвонлар ҳам юртга бўлган муҳаббати, орномуси, ҳалоллиги, адолатпарварлиги, мардлик ва одамийлиги билан халқ меҳрини қозонган.

Тарихий манбаларда келтирилишича, хоразмлик забардаст шоир, курашларда кураги ер кўрмаган машҳур полвон Паҳлавон Маҳмудни ўша замонлардаги кураш йиғинларига кўп бор таклиф этишган. Бир гал ҳинд ҳукмдори ўтказган мусобақада қатнашган Паҳлавон Маҳмуд барча рақибларини енгади. Унинг курашиш маҳорати ва мардлигига тан берган ҳинд подшоши "Ҳар қандай тилагингни баҳо келтираман" деб полвонга юзланади. Шунда Паҳлавон Маҳмуд Ҳиндистон подшосига "Хоразмлик асирларни озод этсангиз, улар ўз юртларига қайтсалар, мен учун тенги йўқ сийлов — мукофот бўлар эди", дейди.

Оламга машҳур Паҳлавон Маҳмуд ана шундай халқпарвар, ватанпарвар, муруватли улуг инсонлиги билан халқимиз қалбида бир умр сақланиб қолган. Полвон пир ворислари ҳам аждодлар матонати ва мағрурлигини ўз қонига сингирган. Яқин тарихимиздан яна бир мисол. Чор Россияси Урта Осиёни босиб олган, рус маъмурлари вақти вақти билан ўзларининг полвонларини Туркистонга таклиф этиб, маҳаллий халқ олдига уларнинг чиқишларини ташкил қилиб, ўз "кучларини кўз-кўзлаш"ни хуш кўрган.

1895 йилнинг июн ойида рус подшоши ўзининг ишонган ва синалган полвони Риппельни Туркистон генерал-губернатори таклифига биноан Тошкентга жўнатади. Ўрис подшонинг ишонган полвони билан Аҳмад полвон кураш тушармиш, деган хабар бутун Тошкентга тарқалади. Вақти келиб икки буюк полвон белбоғ боғлаб, гиламга тушади. Риппель рақибини менсимайди. Чунки Аҳмад полвон бўйи жиҳатидан ундан икки марта кичик, хипча эди. Аммо рус полвони қаттиқ янглишади. Кутилмаганда Аҳмад полвон рақибини даст кўтариб, курагини ерга ёпиштиради. Аҳмад Толиповни юрт ишончи, душманга бўлган нафрат галабага илҳомлантирган бўлса, ажабмас. Ана шундай мард полвонлари бўлган ўзбекининг. Полвонларга бўлган муҳаббатнинг замирида матонат ва мардлик, эл-юртга содиқлик ётганлиги ҳам бор гап.

Аллоҳга шукрлар бўлсинки, бугун юрт озод, мустақил. Истиклол туфайли бобомерос курашимиз жаҳонга чиқди. Курашнинг ҳар икки йўналиши бўйича йирик турнирлар ва жаҳон чемпионатлари ўтказилляпти.

— Кураш том маънода истиклол фарзанди. — дейди белбоғли кураш Федерацияси президенти Рустам Исоқов. — Тўғри, собиқ иттифок

даврида ҳам кураш мусобақалари ўтказилган. Аммо унга панжа орасидан қаралган. Иккиламчи спорт тури сифатида баҳолашган.

Мустақилликнинг илк йилларида ноқ муҳтарам Президентимиз бошчилигида ўзбек курашини кенг ривожлантириш, уни жаҳонга олиб чиқиш борасида залворли қадамлар қўйилди. Бунинг самараси ўлароқ, 1999 йилнинг 6 сентябрида КХА ташкил топди. Айни кунда бу нуфузли ташкилотга дунёнинг 80 га яқин мамлакатлари аъзо.

Маълумки, азалдан курашнинг икки хил усули мавжуд бўлган. Ҳар иккала усул ҳам қадим замонлардан сайқал топиб такомиллашиб борган. Белбоғли кураш билан асосан Фарғона, Андижон, Наманган, Ўш, Жалолобод, Ўзган, Сирдарё ҳамда Тошкент ви-

ларда жуда қудратли саналган Хитойда Юан сулоласи даврида (XIII-XIV асрлар) император саройида ҳам алоҳида курашчи-полвонлар гуруҳи сақланган. Улар Мовароуннаҳрдан келиши мумкин бўлган полвонларга қарши курашишга шай туришган. Умуман белбоғли кураш беш минг йиллик тарихга эга.

— Бугунги белбоғли кураш усуллари ва қоидалари ўша ота-боболаримиз тушган курашдан катта фарқ қиладими? Яна қайси халқларда белбоғли кураш элементлари сақланиб қолган?

— Асл нусхаси бизда сақланиб қолган. Қирғизистонда "Олиш", Россияда эса "Борьба на поясах" деб ном олган кураш усуллари аслида бизнинг курашдан кўчирма қилинган. Яна дунёнинг юзлаб мамлакатларида ҳам ушбу кураш кенг ри-

БИЗНИНГ МАЪЛУМОТ:

Рустам Исоқов — 1968 йил 27 ноябр куни Андижон вилоятининг Олтинқўл туманидаги Миробод кишлоғида туғилган. Маълумоти олий. 1995 йил Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтини тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини 1989 йил Олтинқўл тумани агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмасига қарашли БЎСМда мурабийликдан бошлаган. 1993 йилдан мазкур спорт мактаби директори ҳамда Андижон вилояти терма жамоаси бош мурабийи.

1999 йил ноябр ойидан бошлаб Республика белбоғли кураш Федерациясида спорт директори. 2000 йилдан Ўзбекистон терма жамоаси бош мурабийи. 2001 йилдан Республика белбоғли кураш Федерацияси Бош котиби. 2004 йилдан Ўзбекистон белбоғли кураш Федерацияси президенти. Бир неча халқаро турнирлар голиби. Кўп карра Ўзбекистон чемпиони.

Оилали, 4 нафар фарзанднинг отаси. Катта ўғли Мақсудбек Мўйдинов ўсмирлар ўртасида республика чемпиони.



ўтказилди. Иккинчи жаҳон чемпионати ўтган йилнинг декабр ойида ўтиши лозим эди. Ҳаттоки, реклама роликларига ҳам кўзимиз тушган.

казий кенгашининг кўмаги катта. Яқинда Фарғонада ўтган кишлоқ меҳнаткашларининг спартакиадада белбоғли кураш мусобақалари қизгин курашларга бой бўлди.

Белбоғли курашнинг оммавийлигини ошириш йўлида қарийб барча вилоятларда федерациялар ишлаб турибди. Фидойиларимиз бор бўлсин.

— Белбоғли кураш ва болалар спорти...

— Тушундим. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси билан ҳамкорликда 4 босқичли бел-

боғли кураш мусобақаларини мунтазам ўтказиб келамиз. Бундан ташқари,

янги ишга тушган спорт иншоотларида белбоғли кураш тўғрисида рақиблар очилляпти. Бу меҳнатлар ўз самарасини берапти. Масалан, мактаб ўқувчиларининг "Умид ниҳоллари"

спорт ўйинларида бу йил кутилмаганда Сирдарё вилояти вакиллари биринчи, хоразмликлар иккинчи ўринни эгаллади. Демак, ушбу вилоятларда ҳам курашимиз ёшлар ўртасида кенг оммалашаяпти.

— Белбоғли курашчининг шиори? Ушбу спорт турининг ўзига хослиги нимада?

— Курашимизнинг бошқа спорт турларидан фарқи, ундаги ахлоқий жиҳатларнинг ғоят юксаклигидир. Бизда полвонлар галабага эришса ҳам ўзини тутиб, рақибига ҳурматни сақлаб туради. Ширимиз: «Йигит киши гулдек чиройли, қиз боладек мулоим, шердек қаҳрли бўлиши керак». Бунда шундай маъно мужассамки, чиройли бўлиш дегани, йигит киши ўзига қарши, доимо ораста кийиниши лозим, мулоимлик эса - одобли бўлишни англатади, шердек қаҳрли бўлиш — Ватанга хавф-хатар ёғилганда, душманга шердек ҳамла қилиш демакдир. Азалдан шундай бўлиб келган.

— Белбоғли кураш бўйича ўтадиган мусобақалар ҳақида тўхталсангиз?

— Энг катта мусобақа 30 август — 1 сентябр кунлари Афғонистоннинг Қобул шаҳрида бўлиб ўтади. Бу ерда Осиё китасининг энг сара полвонлари ўзаро куч синашади. Чемпионатда 20 га яқин мамлакат полвонлари иштирок этади.

— "Ишонч" газетаси ўқувчиларига тилақларингиз.

— Барчаларига саломатлик тилайман. Юртимиз доимо тинч, обод бўлсин.

Абдулҳай ЮНУСОВ
суҳбатлашди

“Ватан шаъни учун курашар полвон”

— дейди Белбоғли кураш Федерацияси президенти Рустам Исоқов

лояти ҳудудларида кенг шуғулланилган.

— Сухбатимиз ўзидан белбоғли кураш тарихига бориб тақалди. Айтингчи, белбоғли кураш қачондан пайдо бўлган? Унинг тарихи ҳақида қандай ишонарли манбалар ва маълумотлар бор?

(Хамсуҳбатим, байрат билан ўрнидан туриб, қалин китобларни тортмадан олиб, стол устига қўяди.)

— Мана бу китоб венгер олими Ласло Кунга тегишли бўлиб, бу ерда белбоғли кураш тарихига доир маълумотлар жой олган. "Зона деревние Месопотамий" сарлаваҳали мақолада қайд этилишича, белбоғли кураш ҳаттоки, юнон-рум курашидан ҳам олдин пайдо бўлган. Мақолада яна Ҳиндистонда ҳам белбоғли кураш монголлар юришидан кейин ривожланган, деб ёзилади. Мажор олими бу ерда Бобурийларни "монголлар" деб атади ва хатога йўл қўяди. Ҳаттоки, ўша замон-

вожланган. Улар тушадиган кураш усуллари анча эркин бўлиб, уларда кураш пайтида чалиш ва бошқа усуллари ишлатиш мумкин. Фахр билан айтиш жоизки, юртимиз белбоғли кураш ривожланган ва асл нусхасини сақлаб қола билган ягона мамлакатдир. Курашимизнинг бизгача етиб келишида устоз полвонлар, кураш фидойилари Тўхфат Одиллов, Карим полвон Маликов, Маъруф Икромов ва бошқаларнинг хизмати катта.

— Белбоғли кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати 81 килограмм вазнда зўр муваффақият билан

қайдлиги бўлди. Насиб этса, жаҳон чемпионатини албатта ўтказамиз. Бунинг учун имкониятларимиз етарли.

— Энг оммавий ташкилот касаба уюшмалари Федерацияси ва Белбоғли кураш Федерацияси ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилганми?

— Касаба уюшмалари федерациясидан миннатдоримиз. Улар бизнинг ишончли ҳамкоримиз. Ўтказилаётган турли оммавий спорт тадбирларида белбоғли курашнинг жой олиши бизни хурсанд қилади. Айниқса, жисмоний тарбия ва спорт жамияти Мар-



Дзю-до кураши бўйича жаҳон чемпиони Ҳабил Бектошев Козон шаҳрида ўтган белбоғли кураш бўйича жаҳон чемпионати меҳмони. (Ўртада Рустам Исоқов).

Мунажжим башорати

(14 августдан 20 августгача)

ҚҲЙ. Душанба куни қутилмаганда чиқим қиласиз. Синалмаган ҳамкорлар билан ишланган. Чунки бу узоққа чўзилмайди. Пайшанба куни ишда омад кутманг. Дам олиш куни иқтисодий қийинчиликларни бошдан ўтказасиз.

БУЗОК. Ушбу ҳафта ишда хатоликларга йўл қўйманг. Эҳтиёт бўлинг. Акс ҳолда инкирозга юз тутишингиз мумкин. Ҳафтанинг охирида муаммоларингиз ўз ечимини топади.

ЭГИЗАКЛАР. Душанбада анчадан бери қийнаб келган муаммо ечимини топишингизга тўғри келади. Айнан шу куни ҳаммасига барҳам берасиз. Ҳафтанинг иккинчи ярмида қутилмаганда нохуш хабар эшитасиз.

ҚИСКИЧБАКА. Ҳафта аввалида ёлгон ва фикс-фасодларга берилманг. Бу сизга ёрдам бермайди. Пайшанба куни ишингизга жиддийроқ ёндашинг. Хатоларни такрорланманг. Якшанба куни ҳеч кимга қарз берманг. Акс ҳолда ҳеч қачон қайтариб ололмайсиз.

АРСЛОН. Ушбу ҳафта иш билан боғлиқ сафарга чиқишингиз мумкин. Яқинларингиздан бири сизга фойдали иш таклиф этишади. Дам олиш куни нохуш хабар эшитасиз. Соғлигингиз ҳақида қайғуринг.

ПАРИЗОД. Душанба куни ишдаги ҳамкорлар даврасини кенгайтиришингиз мумкин. Уйда меҳмон кутинг. Дам олиш кунлари омад кулиб боқади. Ҳамкорларингиздан бири фойдали лойиҳа таклиф қилиши мумкин.

ТАРОЗИ. Ҳафта бошида яқинларингиз янги иш таклиф қилишади. Уни қабул қилманг. Пайшанбада сизнинг ишончингизни қозонган биродарингиз панд бериб қўяди. Бундай ҳолатдан эҳтиёт бўлинг. Дам олиш куни оилангиз билан маданий ҳордиқ чиқаринг.

ЧАЁН. Ҳафта мобайнида иш услубингизни ўзгартириб, катталарга маҳоратингизни кўрсатинг. Барча лойиҳангизни намойён қилинг. Пайшанбадаги шартнома ва учрашувлар сизга фойда келтирарди.

ЎКОТАР. Душанба куни ишингизда жиддий ўзгариш рўй бериши мумкин. Шартнома ва учрашувларни ҳафтанинг иккинчи ярмига қолдириш. Катталар билан муносабатда эҳтиёт бўлинг.

ТОҒ ЭЧКИСИ. Ушбу ҳафта ҳар қандай иш бошлашингиз мумкин. Фақат обдон ўйлаб, сўнгра вазиятга қараб иш кўринг. Якшанба кунчи можаролардан йироқда юринг.

КОВҒА. Ҳафта давомида хом чўт қилиб иш бошланган. Зарар кўришингиз мумкин. Пайшанба куни жиддий ҳамда оғир меҳнат талаб қилинадиган иш билан шуғулланманг.

БАЛИҚ. Душанба куни ижодий фаолиятда тушкунликка тушиб қоласиз. Чунки уйдаги кечиктириб бўлмайдиган муаммолар таклиб қилмоқда. Ҳафта охирида омад сизга ёр бўлади.

✓ Биласизми?

АҚЛ ТИШИ ЧИҚҚАНДА...

Ақл тиши қачон пайдо бўлади? Нега у шундай деб аталади?

Инсон 16 ёшга кирганида унинг барча тишлари чиқиб бўлади. Фақат ақл тишигина 18-25 ёшда ўсиб чиқади.

Чунки бу ёшда инсон вояга етган бўлади. Шунинг учун бу тишни "ақл тиши" дейдилар.

Ақл тишларининг ўзига хос хусусиятлари бор. Улар сут тишлари

ўрнига ўсиб, айримларида битта ёки иккита тиш чиқади холос. Баъзиларда эса бирорта ҳам ақл тиши чиқмайди.

Ақл тиши чиқаётганда жағ қаттиқ оғриши, юмшоқ тўқималар қизариб шишиши мумкин. Шундай кезларда одам оғзини очишга, овқат ейиш ва гапиришга қийналади. Бундай ҳолда шифокорга мурожаат қилиш лозим. Мутахассис шифокор оғриқни қолдирадиган дориларни тайинлайди.



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«TULPOR» савдо уйи масъулияти чекланган жамияти



★ Россия Федерациясининг барча турдаги "УАЗ" автомобилларини нақд пулга ҳамда пул ўтказиш йўли билан, шунингдек, кредит асосида сотишини маълум қилади.

★ Автомобилларга буюртмалар ҳам қабул қилинади.

★ Автомобилларга божхона солиғи тўланган.

★ Уларнинг сифати тўла кафолатланади.



Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 117-46-10; 76-33-51. Факс: (8-3712) 76-77-20.

Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари sanoати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши

Мамлакатимиз қурувчиларининг касб байрамлари билан самимий муборакбод этади.




Орамиздаги одамлар

Нуржон опа Урганч туманининг Чандирқиёт қишлоғидаги болалар боғчасида тарбиячи бўлиб ишларди. Бу ерда болалар қамровида ўзини ниҳоятда бахтиёр ҳис этарди. Уйга қайтгач эса ҳар кунги томоша қайтадан такрорланарди. Қайнона билан қайнота келинининг кўз олдига эри Бобоҳонга "Сени онаси ўлмаган қизга уйлантириб қўямиз, кўчқордай ўғил, Ойбарчиндай қиз туғиб беради", дея Нуржонийни ҳайдаб юборишга ундашарди. Бироқ Бобоҳон аканинг хотинидан ажралиш ҳаёлига ҳам келмасди. Шундай кунларнинг бирида ёши улуг, ҳар бир нарсага теран мушоҳада билан ёндашадиган кексалар уларга "Болалар уйи" (ҳозирги "Меҳрибонлик уйи")га нажот истаб боришни маслаҳат қилдилар. Шундан сўнг ёш эр-хотин беш ойлик қизчани

жамоа хўжалиги (ҳозирги фермерлар уюшмаси)да ташкил қилинган бадиий ҳаваскорлик дастасига раҳбарлик қилган даврларида нуфузли кўриктанловларда қатнашиб, фахрли ўринларни қўлга киритишга муваффақ бўлган. Ана шундай тадбирларнинг бирида у "Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам" достонидан айтимлар куйлаб, мухлислар олқишини олган ҳам эди. Юз минглаб элдошларимиз олдига чиқиб, халқ сайли ва байрамларда қўшиқ куйлар, унинг концерт

Ҳаёт сўқмоқлари кимгадир синов, кимгадир сийлов. Лекин тақдирни ўзгартириш ҳар бир инсоннинг ўз қўлида эканлигини Нуржон Курёзова ҳаёти мисолида кўриш мумкин. Фарзандсизлик азоби узок йиллардан буён унинг қалбини жароҳатлаб келарди. Бироқ, у ҳаётнинг бу синовини ўзининг метин иродаси, сабр-бардоши, чексиз меҳри билан енгиб ўта олди.



Гафаров Герст Курбонович



Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгаши девони оғир жудолукка учради. Кўп йиллардан бери самарали меҳнат қилиб келадиган Гафаров Герст Курбонович 66 ёшида ҳаётдан кўз юмди. 45 йиллик умумий меҳнат фаолиятига эга бўлган Герст Курбонович фаолиятининг 30 йилдан ортигини касабаси уюшмаларига бағишлади. У девонда меҳнат-техник инспектори, меҳнат муҳофазаси ва экология муаммолари бўлими мудир, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими бош мутахассиси лавозимларида ишлади.

Герст Курбонович ўзига берилган лавозим доирасида давлат ва хўжалик идоралари олдига ходимларнинг меҳнат муҳофазаси соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларига доир норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва келиши ишларида фаол иштирок этди. Айниқса, меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга жойларда риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил қилиш ва вакиллар ишини мувофиқлаштириш борасида аъзо ташкилотларга яқиндан амалий-услубий ёрдам кўрсатди. Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоатчилик назоратини яхшилаш мақсадида турли кўриктанловларни ташкил этиш ва ўтказишга бош-қош бўлди.

Герст Курбонович жамоат ташкилотларидаги кўп йиллик самарали меҳнатлари учун "Эҳтиром нишони" билан тақдирланган.

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси кенгаши, кенгаш девони раҳбарияти, аъзо ва тасарруфдаги ташкилотлар Герст Курбонович Гафаровнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ҳамда яқин қариндошларига чуқур таъзия изҳор этади. Унинг хотираси қалбимизда абадий сақланиб қолади.

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси кенгаши

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси Самарқанд вилоят кенгаши жамоаси кенгаш ҳуқуқшуноси Тошмуҳаммад Амировга синглиси

Муқаддас САНАҚУЛОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдарлик изҳор этади.

Икки дунё савоби

фарзандликка олдилар. Нуржон опанинг қувончи оламга сиғмас, гўдаги атрофида кеча-кундуз парвона бўлиб, аллалар айтарди. Унинг қалбидеги меҳр шу даражада кучли

дастури маҳаллий телеканал орқали эфирга ҳам узатилди.

Шу зайдда орадан кўп йиллар ўтди. Фарзандлар ўсиб voyга етгач, эр-хотин маслаҳатлашиб, яна етим болаларни олиб тарбиялашга қарор қилдилар. Ана шу эзгу ниятларини қоғозга тушириб, "Болалар уйи" раҳбарларига йўлладилар. Тез орада жавоб хатини ҳам олдилар.

Эшикдан кириши билан 2-3 ёшлардаги норасидалардан олти нафари бараварига опанинг кучоғига отилди: "Ойи! Ойи-жон, келдингизми?" — дея йиғлаб Нуржон опанинг юзларидан ўпарди болакайлар. Қалби чексиз меҳр билан тўлиб-тошган онахон олтовлон боланинг ҳаммасини фарзандликка олишини айтди. Лекин, "Болалар уйи" мутасаддилари уларга фақат икки нафарини олишга рўхсат этишди.

Бундан саккиз йил муқаддам Нуржон опа турмуш ўртоғи Бобоҳон ака билан Урганч туман сув хўжалиги бўлимида экскаваторчи бўлиб ишлай бошлагандилар. Опа эркаклар зиммасидаги оғир ва масъулиятли юмушни ҳам аъло даражада удаларди. Шижоатли қалб соҳибаси ўзининг самарали меҳнатлари билан ариқ ва зовурларни тозалаб, сув йўлларини раво қиларди. Аммо техниканинг эскиргани вақти-вақти билан панд бериб турарди. Шу сабабли Нуржон опа 1999 йили ўзи бошқараётган техникаси билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиб беришни сўраб Юртбошимизга мактуб ёзди. Заҳматкаш аёлнинг оддий, бир энлик хати эътиборсиз қолдирилмади. Президентимиз унга янги "ЕО-4111" русумли экскаватор туҳфа этди. Ана шу қутлуғ совгадан рағбатланган Нуржон опа ўзига бириктирилган ҳудудда куну-тун ши-

жоат билан ишлади. Бошқа ҳамкасблари 2-3 ойда удалайдиган қазил ишларини у бор-йўғи 10-15 кунда бажариб, барчанинг олқишига сазовор бўлди. Опа пешқадамлиги учун раҳбарият томонидан ҳам бир қатор қимматли совғалар билан тақдирланди.

Яқинда Нуржон опа ёшга доир қариллик пенсиясига чиққанлигига қарамай севган ҳайдовчилик касбини ташлаб қўймади. Ўзининг шахсий "Дамас"ида чандирқиётликларни Урганч шаҳри Марказий деҳқон бозорига элтиб қўйишни зиммасига олган опа айни вақтда 1-сон "Пахтакор — Урганч" йўналишида қатновчи маршрут бригадасининг бошлиғи. Шунингдек, қишлоқдаги 6-маҳалла раисаси каби жамоатчилик ишларини ҳам аъло даражада бажариб келмоқда.

— Тўй-маърака, байраму сайллар унинг ташкилотчилигида батартиб, ортиқча исрофгарчиликсиз ўтказилади, — дейди фуқаро Фотиима Шерназарова. — Оилавий низолар унинг аралашуви билан тезда барҳам топади. Не-не ёш оилалар Нуржон опанинг йўл-йўриғи, маслаҳати, қолаверса, беғараз ёрдами билан фаровон турмуш кечирмоқдалар.

Ҳозир улар Бобоҳон ака билан 6 нафар ўғил-қиз, 11 неваранинг суюкли буви ва бобожонлари. Инсон бахтга савоб ишлари қанотида эришини уларнинг ҳаёти тасдиқлаб турибди. Атрофдагиларни эзгуликларга даъват этиш билан эса бу бахт янада тўлишиб бораётгандек...

Эрпўлат БАХТ, «Ишонч» мухбири



эдики, бамисоли тўққиз ой қорнида кўтариб туққан каби қизчани қўлига олган кунийқ сийналарига сўт келди. Орадан кўп ўтмай оила аъзолари яна иккитага — икки ёшли ўғил ва қизга кўпайди. Нуржоний уларни ҳеч нарсага зориқтирмай камолга етказиш учун бор имкониятини ишга солди. Уйда қандолатпазлик билан шуғуллана бошлади.

Йиллар ардоғида болалар улғайиб, онажонисига қарашадиган бўлишди. Бу имкониятдан ҳам Нуржон опа унумли фойдаланган ҳолда, механизаторлар тайёрлаш курсида ўқиб, мутахассисликка эга бўлди. Курсни тамомлагач, қишлоқ хўжалиги соҳасида шижоат кўрсатди. Ҳар йили куз келиб, пахта йиғим-терими бошланганида "зангори кема"да тонналаб "оқ олтин" хирмонини уйди.

Бугина эмас. Нуржон опа бўш вақтларида халқ оғзаки термаларини ўрганиш билан бирга, гармон чалишни ҳам пухта эгаллаб олди. Бунда унга турмуш ўртоғи устозлик қилди. Ахир Бобоҳон ака бир пайтлар мусиқа билим юртида таҳсил олган эди-да. У лапар куйлаганида ҳар қандай одам сел бўлиб тинглагиси келарди. Бир пайтлар "Пахтакор"

Донолар демишки...

Ҳар бир инсоннинг қадр-қиммати ўз ишини қойил қилиб бажаришидадир.

Абу Райҳон БЕРУНИЙ

<p>Ishonch</p> <p>МУАССИС:</p> <p>Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси</p>	<p>Бош муҳаррир</p> <p>Абдуҳолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ</p>	<p>Бизга кўнгирак қилинг:</p> <p>Котибият 153-52-78;</p> <p>Хатлар бўлими 153-85-43;</p> <p>Юридик бўлим 153-87-73</p> <p>E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru</p>	<p>Бизнинг манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр курсатқиси: 133; 134</p> <p>«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.</p>	<p>Газета ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума ва шанба кунлари чиқади.</p> <p>Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Нашримиздан кўчириб босилгандан «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар (®) белгиси остида чоп этилади.</p>	<p>Навбатчи котиб - А.Алламуродов</p> <p>Навбатчи муҳаррир - Ш.Норкулова</p> <p>Навбатчи - Р.Суиров</p> <p>Мусаххих - Д.Камолов</p> <p>Саҳифаловчи-дизайнер: Н.Назаров ва Ю.Михайловский</p> <p>Буюртма Г-1014 Тиражи: 7556</p> <p>Босишга топшириш вақти - 21.00</p> <p>Топширилди - 20.00</p> <p>Сотувда эркин нархда 1 2 3 4 5 6 7 8</p>
	<p>Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.</p> <p>IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.</p> <p>Офсет усулида босилди. Бичими А-3, Ҳажми 2 босма табоқ.</p>				